



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№16

2 июнь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 16-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
23-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
16-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-23**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
16-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-23**

ТОШКЕНТ-2020

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 16-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 апрел 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 50б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барноҳон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазилидин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазилидин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1.Ҳасанов Улуғ Иброҳимович, Очилов Мухриддин Зокир ўғли, ТЕКИСЛАГИЧ КОВШИГА ЎРНАТИЛГАН ВЕРТИКАЛ ПИЧОҚЧАЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ КУЧЛАР.....	7
2.Абасханова Халима Юнусовна ЎРТА ОСИЁНИНГ ТУРЛИ ШҲРЛАНГАН ХУДУДЛАРИДА ЭКИНЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН МАСОФАВИЙ БОШҒАРИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ.....	11
3.Юлбарисов Иззатилла Хикматиллаевич. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ.....	14
4.М.М.Сатгорова СУЎОРИЛАДИГАН ТУПРОҲЛАР УНУМДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	19
5.Маликов Азим Неъматович УЗУМНИНГ ШАРОББОП НАВЛАРИ ҲОСИЛЛИ НОВАДАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА КУРТАК ЮКЛАМАСИНИНГ ТАЪСИРИ.....	22
6.Раҳмонов Шеркул Раҳмонович, Абдуганиев Азиз Абдувоҳид угли ПАРАМЕТРИЧЕСКАЯ ИДЕНТИФИКАЦИЯ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ КУЛЬТИВИРОВАНИЯ ХЛОРЕЛЛЫ.....	25
7.Торешова Амина Уббиниязовна САЎЫН СЫЙЫРЛАРДЫ ГИДРОПОНИК АЗЫҚ ПЕНЕН АЗЫҚЛАНДЫРЫЎДЫН ЖАНА УСЫЛЫ.....	31
8.Раҳмонов Шеркул Раҳмонович, Отабеков Муҳаммадсоли Акбар ўғли МАТЕМАТИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ГИДРОДИНАМИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ ПОТОКОВ В АППАРАТЕ ДЛЯ КУЛЬТИВИРОВАНИЯ МИКРОВОДОРОСЛЕЙ.....	35
9.Xidirov Bobur Yusuf o'li, Salomova Zarina Zokir qizi KALIFORNIYA CHUVALCHANGINING UY SHAROITIDA YETISHTRISH TEKNOLOGIYASI.....	40
10.Абдужалилова Ойгул Хамидовна, Норматов Ёдгор Мама Назарович СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СИРДАРЁ ТУМАНИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ.....	42
11. Шамуратова Гулназ Муратбаевна ҚОРАҚАЛПОЎИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ МЕЛИОРАТИВ ШАРОИТЛАРИГА ОИД АЙРИМ ЁНДАШУВЛАР.....	44
12.Идрисов Х.А, Мусирмонкулов Ў.У МОШ-МИНЕРАЛ ТУЗЛАР МАНБАИ.....	47



АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ТЕКИСЛАГИЧ КОВШИГА ЎРНАТИЛГАН ВЕРТИКАЛ ПИЧОҚЧАЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ КУЧЛАР

Ҳасанов Улуғ Иброхимович
ТИҚХММИ Бухоро филиали таянч докторанти
Телефон: +998(91) 444 55 17
Ulugbek.hasanov.1989@mail.ru
Очилов Мухриддин Зокир ўғли,
ТИҚХММИ Бухоро филиали талабаси
Телефон: +998(91) 924 88 78
qodirjon. zokirov19@mail.ru

Аннотация. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг асосий омилларидан бири бу текислашдир. Текисланган майдонларда барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги 40 фоизгача ошади, суғоришда сув сарфи 2 марта камаяди ва кейинги эксплуатация қилинадиган қишлоқ хўжалик техникаларининг иш унуми ошади, ишлаш шароити яхшиланади. Бугунги кунда ерларни текислик даражасининг сифатли бўлиши ер маҳсулдорлиги ошишининг асосий омили ҳисобланади.


Калит сўзлар: Текислагич, горизантал пичоқ, вертикал пичоқ, ковш, сегментсимон пичоқ, кесиш чизиғи, шейка, фаска.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг "Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги ПҚ-3459-сонли қарорининг ижросини таъминлаш борасида республикаимиз қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш, фермер хўжаликларининг экинлардан оладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш учун замонавий илм-фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишни назарда тутадиган замонавий техника ва технологияларни қўллаш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий ва инноватсион ишлар олиб борилмоқда [1]. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда, ҳозирги кунда кенг тарқалган, эгатлаб суғориш техникаси қўлланганда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш технологияларидан биттаси майдон юзаларини текислаш саналади. Эндиликда, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида ерларни текислашда такомиллашган текислагичлар билан текислашни кенг жорий қилиш бугунги кунда ечимини кутаётган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизатсиялаш устивор йўналиши асосий масалаларидан саналади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз ерларни сифатли текислаш ҳамда текислагич ковшига тушадиган умумий қаршиликларни камайтириш мақсадида текислагич ковшига ўрнатилган вертикал пичоқчаларни тавсия этамиз.[2]

Ушбу қурилманинг асосий вазифаси текислагич ковши олдида юмшатилмаган ва юмшатишган тупроқни вертикал кесиш, текислагич ковшига тушадиган умумий қаршилигини камайтириш, тупроқ фракцияси ва текислаш сифатини яхшилашдан иборат.




Кўйилган вазифа текислагич ковши олдида горизантал пичоқга тенг масофаларда ўрнатилган сегменсимон вертикал пичоқлар ўрнатиш билан ечилади. Қуйида 1-чизмада таклиф этилаётган Вертикал пичоқлар ўрнатилган текислагич ковши схемаси келтирилган. Таклиф этилаётган қурилма қуйидагилардан ташкил топган:



1-чизма. Вертикал пичоқлар ўрнатилган текислагич ковши.

1-горизантал пичоқ, 2- сегменсимон пичоқлар,3- ковш орқа девори, 4-ковшининг ён деворлари.

Таклиф этилаётган қурилмани ишлаш технологик жараёни қуйидагича: Текислагич, ҳаракатланаётганда унинг ковшига ўрнатилган горизантал пичоқ (1) ва горизантал пичоқга тенг масофаларда жойлаштирилган сегментсимон вертикал пичоқлар (2) орқали тупроқ қатламини маълум чуқурликда кесиб юмшатади, шу билан биргаликда йирик кесакларни бўлаклайди, бегона ўт илдизларини кесиб кетади, текислагичнинг умумий қаршилиги камаяди, натижада экин майдоннинг текислаш сифати ошади.






2-чизма. Таклиф этилаётган вертикал пичоқнингнинг умумий кўриниши.

1- кесиш чизиғи (Лезвие), 2- фаска 3- ён сирт, 4- Шейка, 5- маҳкамлаш жойи.

Кўпгина тадқиқотчилар томонидан тупроқни пичоқлар билан кесиш жараёнлари ўрганилган. Ерни пичоқчалар билан кесиш учун кўплаб формулалар тавсия қилинган, аммо бу формулалар эмперик характерга эга бўлишини ҳисобга олганда бу формулаларни жой-жойида ишлатиш мумкин. 3-рамда кўрсатилган пичоқда А-лезва, АБ-фаска, ВС-ён томони (юзи), пичоқ узунлиги -л, қалинлиги-б, ?-пичоқнинг кесиш бурчаги.[3]



3- чизма. Вертикал пичоқнинг кесиш қаршилигига таъсир этувчи кучлар схемаси.

Пичоқ дамани бирлигига тўғри келадиган қаршилик лар йиғиндиси қуйидагидан иборат.

$$\rho = \rho_{\pi} + 2F + T_1.$$

ρ_{π} - Кесиш чизиғи (лезвие) қаршилиги

F-фаскадаги қаршилик

T_1 -пичоқнинг юзасидаги қаршилиги.

Пона назариясига кўра

$$F = \frac{\sin(\gamma + \varphi)}{\cos \varphi} H$$

$$\text{аммо } H = \sigma C$$

Бу ерда C-юза, σ -босм тасир этувчи юза

Агар биз $\sigma = \sigma_0$ га тенг деб олсак тупроқнинг пичоққа солиштирма босими доимий десак, у вақтда тупроқнинг деформатсияси ҳисобга олинмайди.

Фаскани узунлик бирлигидаги нормал кучи H

$$H = \sigma C_1 = \sigma \frac{b}{2 \sin \beta'}$$

Φ -куч пона назариясига қараганда қуйидагига тенг.



$$\Phi = \frac{1}{2} \sigma_0 \frac{\sin(\beta + \varphi)}{\sin \beta \cos \varphi} = \frac{1}{2} \sigma_0 \bar{b} \left(1 + \frac{\tan \varphi}{\tan \beta}\right). \quad (2)$$

Пичоқ юзига таъсир этувчи уринма куч

$$T_1 = N_1 \operatorname{tg} \varphi.$$

Бунда N_1 – Пичоқ юзаси бирлигига тўғри келадиган нормал реакция кучи. Қабул қилинган шартни ҳисобга олганда.

$$N_1 = \sigma_0 \left(l - \frac{b}{2 \operatorname{tg} \beta} \right).$$

Шундай қилиб пичоқнинг юзасига таъсир этувчи миқдорлик қаршилиги

$$T_1 = \sigma_0 \left(l - \frac{b}{2 \operatorname{tg} \beta} \right) \operatorname{tg} \varphi. \quad (3)$$

(1) формулани ҳисобга олганда кесилдаги солиштирма қаршилиқни куйидагича ёзиш мумкин. [2]

$$p = p_{\pi} + \sigma_0 \bar{b} \left(1 + \frac{\tan \varphi}{\tan \beta}\right) + 2 \sigma_0 \left(l - \frac{b}{2 \operatorname{tg} \beta} \right) \operatorname{tg} \varphi = p_{\pi} + \sigma_0 (\bar{b} + 2 l \operatorname{tg} \varphi). \quad (4)$$

Юқоридаги формулалардан келиб чиққан ҳолда вертикал пичоққа тасир этувчи қаршилиқ кучларини аниқлаб, ушбу қурилмага қаттиқ тупроқ қатламини сегменсимон пичоқлар ёрдамида вертикал кесиши натижасида, асосий қовшининг тупроқни суришига қаршилиқни камайтиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. Мирзиёевнинг "Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3459-сонли қарори. 2018 йил 4 январ.

2. Ўзбекистон Республикаси интелетуал мулк агентлигига талабнома № ФАП20190216

3. Вопросы технологии механизированного сельскохозяйственного производства, Минск-1963, 68-69ст



ЎРТА ОСИЁНИНГ ТУРЛИ ШЎРЛАНГАН ХУДУДЛАРИДА ЭКИНЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН МАСОФАВИЙ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ

Абасханова Халима Юнусовна
Ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот
технологиялари университети катта ўқитувчиси
Телефон: +998 (97) 701 79 49
halima.uz@rambler.ru

Мақола аннотацияси: Ўрта Осиёнинг турли шўрланган худудларида экинлар самарадорлигини ошириш учун масофавий бошқариш тизимини яратиш қишлоқ хўжалигида ўсимликларини етиштиришда масофавий мониторинг қилувчи ва бошқарувчи дастурий ва аппарат таъминот ишлаб чиқиш


Таянч сўзлар: Автоматик суғориш, коллектор-дренаж, тупроқ параметрлари, ер намлиги, ранг датчиклари, ҳаво харорати датчиклари, шўрланганлик ҳолати датчиклари

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида Ўрта Осиёнинг турли шўрланган худудларида экинлар самарадорлигини ошириш ер участкаларидан, айниқса, дала четлари, суғориш , ерлардан фойдаланишга муносабати ўзгарди, ушбу ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали қўшимча даромад олиш ҳамда ўз ходимларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида салмоқли ижобий натижаларга эришилди.

Келгусида мазкур ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг таркибий тузилмаси такомиллаштирилди. Ўзбекистонда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши қайта ташкил этилди.

Узоқ вақтлардан бери табиатда ўғитнинг ҳаддан зиёд ортиқча тўйинган ва тўйинмаган турлари кенг тарқалган бўлиб, бу нафақат ўғит ва сувни исроф бўлишига, балки экинларни ўсишига зарар етказишига ва атроф муҳитни ифлосланишига ҳамда маҳсулот сифатини пасайишига ҳам сабаб бўлади. Ўғит нархи ўсиб бораётган бир пайтда бу деҳқоннинг даромади ва майдонига тўғридан тўғри салбий таъсир кўрсатади.

Ўрта Осиёнинг турли шўрланган худудларида экинлар самарадорлигини оширишда , автоматик суғориш, ер таркибини аниқлаш, шўрхок ерларни аниқлаш, озиқланиш моддаларини аниқлаш, ўсимлик ўсишини назорат қилиш, уларни тарзда озуқа моддалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда енгил конструкцияли, кам харажатли техника ва датчиклардан фойдаланиш, уларни масофавий назорати, автоматик равишда ортиқча ишчи кучисиз масофавий тизимини яратиш лойиҳанинг долзарб масалалари ҳисобланади.



1- Расм. Тупроқ ҳолатини текшириш.

Илмий-тадқиқот ишини амалга оширишда Ўрта Осиёнинг турли шўрланган ҳудудларида экинлар самарадорлигини ошириш учун қишлоқ хўжалигида барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда масофавий мониторинг қилувчи ва бошқарувчи дастурий ва аппарат таъминот ишлаб чиқиш.

- Ушбу яратилган дастурий ва аппарат таъминотни белгиланган майдонда амалиётга жорий этиш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда юқори самарадорликда ишловчи тизим прототипи яратиш.

- Масофавий мониторинг қилиш ва бошқариш қурилмаси Arduino платформаси асосида ишлаб чиқиш ва веб-саҳифа ёрдамида бошқариш.

- Қишлоқ хўжалик экинларини самарали усулда тўғри озиқлантириш, ернинг таркибини датчиклар асосида аниқлаш, керакли озуқа билан таъминлаш, датчиклар асосида маҳсулотни ўсишини назорат қилиш ва самарадорликни ошириш ва бошқариш имконини яратиш.

Ҳозирги кунда олинган илмий-техник натижалар Илмий-тадқиқот муассасалари, уларда фаолият юритаётган илмий ходимлар, фермерлар, дехқончилик соҳаларида фаолият юритаётган инсонлар томонидан амалга ошириладиган ягона базасини ташкил этилади.

Хулоса: Ушбу яратилган тизимни амалиётга жорий этиш орқали қишлоқ хўжалик соҳасида юқори самарадорликда ишловчи автоматик тизим кўрсатилган майдонда йўлга қўйилади. Масофавий мониторинг қилиш ва бошқариш қурилмаси Arduino платформаси орқали яратилади ва веб-саҳифа ёрдамида бошқарилади. Бунда қишлоқ хўжалик экинларини самарадолигини оширишда ер таркиби, унинг ҳолати, ўсимлик ўсиш даражасини аниқлаб самарали усулда тўғри озиқлантириш имкониятига эга бўлади. Унинг натижасида ҳосилдорликни ошириш имконини яратилади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ж.Ю.Юнусов.,Х.Ю.Абасхонова Рақамли қурилмалар ва микропроцессор тизимлари. Ўқув қўлланма. Тошкент 2010.-256 бет.

2. Х.Ю.Абасхонова У.Б.Амирсаидов, Микропроцессорлар. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. Тошкент 2017.-350 бет



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш омиллари.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
тингловчиси Юлбарисов Иззатилла Хикматиллаевич.**

*Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали
фойдаланиш омиллари таҳлил қилинган.*

*Калит сўзлар: фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, аренда, сув хўжалиги тизими,
чекланган сув ресурслари.*

*Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳқилиш, ер ва сув
ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш,
озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиздир.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун
мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга
Мурожаатномаси.*

Бугунги кунда дунё бўйича 33 млн.гектар майдонда гўза етиштирилиб, 25 млн.тоннадан зиёд пахта ҳосили олинмоқда. Бугдой 220,4 млн.гектар майдонда экилиб, ўртача дон ҳосилдорлиги гектарига 31,1 центнерни ташкил этмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш хажми кўпайиши, янги экин майдонларини ўзлаштирилиши билан бирга сув ва ер ресурсларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Бугунги кунда сайёрамиздаги мавжуд сувларнинг 2,0 фоизга яқини чучук сув ресурслари бўлиб, чучук сувларнинг 20 фоизи ер ости сувларига, 1 фоизи эса дарё ва кўлларга тўғри келади. Шу боисдан жаҳон миқёсида экинларни суғоришда сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади.

XXI асрнинг глобал муаммоларидан бири сув ресурсларининг танқислиги бўлиб, сўнгги 60 йил ичида ичимлик суви истеъмоли ер шарида 8 мартага ортганлиги кузатилган. Ер куррасида сув манбалари ўта чекланган бўлиб, бу ҳолат сув захираларидан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги мақсадларида йилига 2,8 минг м³ чучук сув ишлатилади ва бу кўрсаткич умумий чучук сув истеъмолининг 70 фоизини ташкил этади. Ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссиянинг маълумотларига кўра, жаҳон бўйича суғориладиган майдонлар 299,488 млн.гектарни ташкил этади. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизи ва бошоқли доннинг 60 фоизи суғориладиган ерлардан олинади.

Бугунги кунда аҳоли сонининг мунтазам ошиб бораётганлиги сабабли ер ва сув ресурсларининг кўп миқдорди сарфланиши, уларнинг глобал танқислигига олиб келмоқда. Янги ер ва сув манбаларини ўзлаштириш, сув хўжалиги тизимларини яхши ҳолатда сақлаб туриш катта инвестицияларни талаб қилмоқда. Ҳар бир қарич ер ва бир куб метр сувнинг нарҳи қимматлашиб бориб, ривожланаётган давлатларнинг сув таъминотида муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ер ва сувдан фойдаланиш модели сақланиб қолган ҳолда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув истеъмолини инобатга олиб, сув ресурсларининг танқислигини бартараф этиш борасида илмий изланишлар амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Республикада мавжуд ресурслардан фойдаланишни самарали бошқариш тизимини жорий этиш далзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш минтақада, жумладан, республикамизнинг барқарор иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи



масалалардан бирига айланган шароитда, асосий қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш, сув тежамкор суғориш технологияларини ва суғориш техникаси элементларини аниқлаш ва жорий қилиш долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 17 июнидаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сонли Фармонида қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари белгиланган.

Жумладан, мазкур фармонда;

- Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси;
- Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси";
- 2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари;
- 2019-2022 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларида сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари;
- Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш доирасида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш ва давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича ишчи гуруҳитаркиби акс эттирилган.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида 20 млн гектардан ортиқ, шу жумладан 3,2 млн гектар суғориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хом ашё етиштирилмоқда.

Суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг кўламли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда.

Натижада, 2008-2017 йиллар мобайнида 1,7 млн гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти ҳамда 2,5 млн гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилди .

Бироқ глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги йилларда даврий равишда кузатилаётган сув танқислиги ва ички ирригация тармоқларининг асосий қисми яроқсиз ҳолатга келганлиги суғориладиган экин ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашишига ва йиллар давомида фойдаланишдан чиқиб кетишига олиб келган.

Республикада йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, шунингдек, бу ишларда салоҳиятли инвесторлар иштирокини таъминлаш зарурияти юзага келган.

Республикамиз шароитида суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш,



қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили ва сифатини ошириш - ерларнинг мелиоратив ҳолатига бевосита боғлиқ жараён ҳисобланади.

Йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, шунингдек, бу ишларда салоҳиятли инвесторлар иштирокини таъминлаш мақсадида Фармонда қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" белгиланди.

Концепцияни амалга ошириш доирасида ирригация-мелиорация тармоқларини тиклаш, реконструкция қилиш, сув тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда сувсизликка чидамли экинларни экиш орқали фойдаланишга киритиш учун инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида 50 йилгача бўлган муддатга қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар, шунингдек, лалми ва ўрмон фонди ерлари - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига, яйлов, бўз, кўп йиллик дарахтзорлар ва бошқа ерлар-Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга берилиши белгиланган.

Шунингдек, Фармонда Концепцияни амалга ошириш доирасида ер майдонларини фойдаланишга киритишда, ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш, ерга ишлов бермасдан экин экиш ва ерларни иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқи берилмоқда.

Фармонда қайд этилганидек, инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаридан ошмаган қисми қоплаб берилади.

Фармон билан 2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ерларни босқичма-босқич фойдаланишга киритиш, ер ости суви ва бошқа сув манбаларидан фойдаланиш, лалми, яйлов ва бошқа ерларга сув талаб қилмайдиган экин турларини жойлаштириш ҳамда ўрмон ерларини фойдаланишга киритиш ҳисобига республика бўйича жами 1 млн. 111,7 минг гектарга яқин ер майдонлар қайта тикланиб, фойдаланишга киритилади.

2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг



ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Худудноми	Жами	шу жумладан						
		Қишлоқ хўжалигид афойдалан илмаётган суғориладиган ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобидан	шундан, ирригация-мелиорация тадбирлари		Ер ости сувидан фойдаланиш ҳисобидан	Бошқа сув манбалари ҳисобидан	Лалми, яйлов ва бошқа ерларга сув талаб қилмайдиган экин турларини жойлаштириш ҳисобидан	Ўрмон ерларини фойдаланишга киритиш ҳисобидан
			1-босқич 2019-2021 йиллар	2-босқич 2022-2024 йиллар				
Республика бўйича жами	1 111 723	298 563	147 703	150 859	155 057	50 000	535 632	72 472
Қорақалпоғистон Республикаси	111 004	91 720	35 000	56 720	1 210		8 174	9 900
Андижон вилояти	12 517,15	2490	2490		859,5		7657,65	1510
Бухоро вилояти	39 063	7 304	7 304		25 360		100	6 300
Жиззах вилояти	194 605	12 200	6 075	6 125	23 942	20 000	128 413	10 050
Қашқадарё вилояти	289 373	69 496	33 475	36 021	38 932	6 900	169 065	4 980
Навобий вилояти	62 531	6 337	6 337		11 038		32 215	12 941
Наманган вилояти	30 231	11 503	3 700	7 803	8 644		5 034	5 050
Самарқанд вилояти	159 736	11 019	11 019		21 179	11 000	107 397	9 141
Сурхондарё вилояти	66 680	11 827	2 751	9 076		7 000	40 953	6 900
Сирдарё вилояти	34 284	20 195	10 073	10 122	2 156		9 533	2 400
Тошкент вилояти	54 757	19 837	6 716	13 120	14 989	5 100	12 781	2 050
Фарғона вилояти	29 507	11 235	2 464	8 771	5 159		12 103	1 010
Хоразм вилояти	27 435	23 400	20 300	3 100	1 590		2 205	240

Маълумки, бугунги кунда нафақат бир мамлакатда, балки ер юзида аҳолини сифатли ва экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун эса, энг аввало ердан унумли фойдаланиш, суғориш иншоотларини янгилаш, мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш, уни сифатли тарзда аҳолига етказиш ва экспорт қилиш каби жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш лозим. Энг муҳими, ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юртимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хом ашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ҳамда полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириб бориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш соҳасида хизмат кўрсатаётган фермерлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, маркетинг ҳамда бошқа инфратузилма ташкилотларини рағбатлантириш баробарида, экспорт бўйича соҳада мавжуд имкониятларни янада юксалтиради.

Ушбу Фармонда амалга оширилиши кўзда тутилганислоҳотлар доирасида қишлоқ хўжалигини диверсификация қилишни, ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, экин майдонлари таркибини янада юқори даромад келтирадиган озиқ-овқат экинлари майдонларини кенгайтириш ҳисобидан такомиллаштириш, ҳосилдорлиги паст, рентабелликни таъминламайдиган ерларда пахта экинларини босқичма-босқич камайтириб бориш мақсадга мувофиқ.

Фармон белгиланган вазифаларни ҳамда қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш Концепциясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"нинг амалга оширилиши мамлакатимизда соҳада олиб борилаётган



кенг кўламли ислохотларнинг узвий давоми сифатида соҳани янада барқарор суръатлар билан юксалишига, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил.

3. Қундузова Қ. Ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий ҳуқуқий омиллари. // "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси".

Т., 2002, 10-11-сонлар.

4. Қурбонов Г., Мавлонов Р. Суғориладиган ерлар самараси.

// "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги". Т., 2000, 6-сон.



СУГОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАР УНУМДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ.

М.М.Сатторова - БухДУ ўқитувчи

Тел:90-510-11-77

Эл.почта: mahfuza.sattorova@mail.ru

Аннотация: Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирадиган ресурс бу мамлакат тупроқлари ҳисобланади ва ҳар доим рўйхатга олишга ва баҳолашга муҳтож бўлади.

Калит сўзлар: Ер, тупроқ, бонитировка, унумдорлик, шўр тупроқ, эрозия, гумус.

Инсон томонидан бўлаётган техноген таъсир натижасида дунёнинг бошқа мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам тупроқ учун, инсоният учун хавфли бўлган чўлланиш, шўрланиш, коллектор-зовур сувларини минерализацияси ортиши, ифлосланиши, тупроқларни зичланиши ва бошқалар тупроқларни унумдорлик даражасини камайишига, йўқолишига, тупроқни касалланишига олиб келмоқда. Суғориладиган ерлардан, унинг ҳолатини эътиборга олмасдан ҳаддан ташқари кучли даражада фойдаланиш уларнинг сифатини пасайишига ҳатто қишлоқ хўжалик айланма ҳаракатидан тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Орол денгизни сатҳини кескин ва жадал суръатларда пасайиши қатор салбий оқибатларга: чўлланиш жараёнини тезлашишига, шўр ерларни майдонини ортишига ва ҳоказоларларга сабаб бўлмоқда. Сув ва шамол эрозияси ҳамда иккиламчи шўрланиш каби жараёнларни тупроқ унумдорлигига таъсири йилдан йилга ортиб бормоқда. Кейинги вақтларга келиб гумус ва озика элементларнинг миқдори кескин камайган ер майдонларини ҳиссаси ортиши жараёни сезилиб турибди. Айтилган вақтда салбий омиллар алоҳида-алоҳида ва биргаликда тупроқни сифат баҳосига катта таъсир кўрсатади. Тупроқни бонитировкада асосий мезон тариқасида эса унинг унумдорлиги олинадиган ва балларда ифодаланади. Баҳолаш 100 баллик ёпиқ шкалада ўтказилади. 100 балл билан баҳоланган тупроқлар, механик таркибли, ҳамма хусусиятлари энг қулай бўлган оптимал агротехник тадбирлар ўтказилганда, мазкур табиий - қишлоқ хўжалиги минтақаси шароитида энг юқори ҳосилни етиштириш имкониятини беради. Бу вазифани "тупроқ бонитировкаси" амалга оширади. Бонитировка сўзи латинча "bonitas" - сахийлик, яъни тупроқларни, уларни ишлаб чиқариш қобилиятига кўра нисбий баҳолаш демакдир. Тупроқлар бонитировкаси кўп жихатдан экинларнинг ҳосилдорлигига боғлиқ бўлган тупроқ хосса ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Тупроқ сифати ёки соғломлигини баҳолаш тупроқ бошқарув тизимларининг барқарорлигини аниқлашда бебаҳодир. Тупроқ сифати ҳимояловчи бошқарув амалиётлари ва қишлоқ хўжалигининг асосий мақсадларига эришиш йўллари орасидаги асосий боғловчидир.

Тупроқ сифатининг баҳоланиши маҳсулот етиштирилаётган ҳудуддаги муаммони аниқлашда, озик-овқат етиштиришнинг ҳаққоний таҳминий башоратини қилиш, қишлоқ хўжалик бошқаруви билан боғланган барқарорлик ва экологик сифатдаги ўзгаришларни мониторинг қилиш ва давлат идораларига барқарор қишлоқ хўжалик ва ердан фойдаланиш қонун-ҳужжатларини яратиш ва баҳолашда ёрдам кўрсатишда қўлланилиши мумкин. Суғориладиган деҳқончилик тизимида тупроқ унумдорлиги ўзгармасдан қолмайди. Инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган ерларнинг тупроқ-мелиоратив шароити сезиларли яхшиланади. Бунинг натижасида, тупроқ унумдорлиги даражаси ортади.



Тупроқ унумдорлигини баҳолашда унинг қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олинади:

- " генетик хусусияти;
- " гумус миқдори;
- " механик таркиби;
- " зичлиги;
- " сув ўтказувчанлиги;
- " сингдирилган катионлар таркиби;
- " мелкозем қатламининг қалинлиги;
- " шўрланиш даражаси;
- " эрозияга учраганлик даражаси;
- " гипс миқдори ва унинг ер сатҳидан чуқурлиги;
- " шўртобланиш даражаси;
- " карбонатлар миқдори ва шу кабилар.

Тупроқ унумдорлигининг шаклланишида, тупроқ пайдо бўлиш жараёни катта аҳамият касб этади. Республикаимизнинг суғориладиган майдонлари нисбатан катта майдонларни эгалламайди, лекин улар тупроқ-иқлим минтақаларида жойлашган. Масалан, йиллик ёғин миқдори ёки самарали ҳарорат йиғиндиси шимолий ва жанубий регионларда сезиларли даражада фарқланади. Иқлим шароитининг турлилиги, тупроқ пайдо қилувчи жинсларнинг таркиби, ёши, шаклланиши билан боғлиқ ҳолда, тупроқларнинг ҳар хил унумдорлик даражасига эга бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам, тупроқ унумдорлиги баҳолашда тупроқ пайдо қилувчи жинслар генезиси, жойларнинг иссиқлик ресурслари билан таъминланиши, тупроқ грунт қатламининг дренажланганлиги, ён-бағирларнинг экспозицияси ва нишаблиги ва шу кабилар ҳисобга олинмоғи лозим.

Суғориладиган ерлар бонитировкасининг базали шкаласи тупроқни генетик группалари бўз тупроқлар минтақаси, чўл зонаси бўйича намланиш қаторига кўра автоморф, ўтувчи, гидроморф турлари механик таркибига кўра баллар билан белгиланади.

-Чўл минтақасининг суғориладиган автоморф тупроқларини бонитировкашда гумус қатлами қалинлиги, озуқа элементлари миқдори бўйича коэффициентлар қўлланилади,

-Чўл минтақасининг гидроморф тупроқларини баҳолашда гумус миқдори, шўрланганлик даражаси, глейли қатлам жойлашган чуқурлиги ёки гумусли қатлам қалинлиги, ёки тошли қатламни жойлашган чуқурликлари учун коэффициентлар қўлланилади.

Юқорида ҳудудларни характерлайдиган бонитировкаш коэффициентлари санаб ўтилди. Шу билан бир қаторда тупроқ минтақасида, зонасида, округида тупроқнинг хоссаларига қараб қўшимча тариқасида склетлилик даражаси, гипслашганлиги, зичлашганлиги ва бошқа коэффициентлар ҳам эътиборга олинади, чунки Республикаимиз кенг майдонни эгаллаб, зонал ва регионал чегараларга эга эмас.

Тупроқнинг энг мураккаб агрофизик хусусиятларидан бири тупроқ қатламининг зичлигидир. Шу сабабли тупроқ унумдорлигини оширувчи зарур тадбирлардан бири унда ўсимликнинг бутун вегетацияси даврида мақбул муҳитни сақлашдир. Тупроқларни унумдорлик кўрсаткичлари нисбатан ўзгариши ҳайдов қатлам зичлиги билан фарқланади ва бонитировка коэффициентлари қўлланилади.

Ер ҳар доим назорат ва ҳимоя ҳамда тарбияга муҳтож бўлиб, уни ҳеч ҳам алдаб бўлмайди. Яхши эгага эга бўлган ер доимо юқори ҳосил беравермайди. Уни, яъни



ерни баҳоси ҳам ҳосил билан ўлчанади. Шундай бўлиб келган. Тупроқни табиий хоссаларини эътиборга олмасдан жуда сифатли даражада бажарган иқтисодий-статистик баҳолаш усули ҳам кутилган натижага олиб келмайди. Буюк мутафаккир, олим Абу Али Ибн Сино ўз замонасида "Тупроқ тирик мавжудот - ҳаёт мамот негизидир" деб айтган эди. Бу мутафаккирона сўзлар ҳозир ҳам ўз кучини йўқотмаган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирадиган ресурс бу мамлакат тупроқлари ҳисобланади ва ҳар доим рўйхатга олишга ва баҳолашга муҳтож бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.Турапов, Х.Намозов "Тупроқ бонитировкаси". "Фан ва технология нашриёти. Тошкент 2010 й. ўқув қўлланма
2. Р.Қ.Қўзиев, Ф.Ю.Юлдошев, И.А.Акрамов "Тупроқ бонитировкаси". Тошкент "Молия" 2004 й. Монография



УЗУМНИНГ ШАРОББОП НАВЛАРИ ҲОСИЛЛИ НОВДАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА КУРТАК ЮКЛАМАСИНИНГ ТАЪСИРИ

Маликов Азим Неъматович

Тошкент кимё технология институти ассистенти

+998974409553

a.n.malikov88@mail.ru

Аннотация. Мақолада узумнинг шароббоп навларининг ривожланишига куртак юкламасининг таъсири ўрганилган. Тадқиқотларда шароббоп навлардан 3 та нав танлаб олинган ва ушбу навлар 6 та вариантда ўрганилган. Бунда барча навларда 140-160 та куртак қолдирилганда энг яхши натижа қайд қилинган.

Калит сўзлар. Узум, куртак, юклама, хўраки, тупроқ, майиз, шароббоп, ҳосил.

Кириш. Узумчилик - Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири. Мамлакатимизда узум қадим-қадимдан етиштириб келинмоқда. Республиканинг қулай тупроқ - иқлим шароити узумни хўраки, сифатли майизбоп ва хилма хил шароббоп навларини етиштириб мўл ҳосил олиш имконини беради [1].

Новдаларнинг ҳосилдорлиги ер бирлигига ёки бир гектарига тўғри келадиган ҳосил новдалар сонига шу новдалардаги мавжуд узум бошлари сонига ҳар бир узум бошининг ўртача оғирлигига боғлиқ. Бу омиллар бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган вариантлар ҳар доим ер бирлигидан юқори ҳосил беради [3,4].

Тадқиқот услублари. Тадқиқотлар Қибрай "Шароб" илмий экспериментал корханаси тажриба даласида олиб борилди. Тажрибада ўрганилган навлар 20 ёшли ток тупларида олиб борилди. Тажрибадаги навларнинг узум бошларини таркиби аналитек тарозида ўлчаниб, фоизларда ҳисобланди. Ўтказилган тажрибаларни танлаш, вариантларни жойлаштириш умум қабул қилинган усулларда олиб борилиб, олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Б.Д.Доспехов [2] услуби ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотларда Ҳиндогни, Мускат венгерский, ва Майский чёрний навларида 6 та вариантда куртак юкламалари берилди. Куртак юкламаси таъсирида барча навларда битта, иккита ва учта ҳосилли новдалар кузатилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики барча навларда учинчи вариантда яъни 140-160 та куртак қолдирилганда юқори натижа қайд этилди (1-жадвал).

Шуни қайт этиш жоизки ўрганилаётган навларда битта ҳосилли новда энг кўп кузатилган бўлса, учта ҳосилли новда жуда кам учради. Бу кўрсаткичлар 140-160 та куртак қолдирилганда Ҳиндогни навида битта ҳосилли новда 48,2%, иккита ҳосилли новда 28,3%, учта ҳосилли новда 3,2% ва жами ҳосилли новдалар 79,7% ни ташкил қилди.



1-жадвал

Турли куртак юкламасида шароббоп навларнинг ҳосилли новдаларининг ривожланиши (2016-2018 йй.)

Куртак юкламаси	Ҳосилли новдалар, % ҳисобида				Битта ҳосилли новдадаги узум бошлар сони, %
	битта ҳосилли	иккита ҳосилли	учта ҳосилли	жами	
Ҳиндогни нави					
100-120 та куртак (назорат)	42,0	21,3	0	63,3	1,58
120-140 та куртак	45,6	24,1	0	69,7	1,43
140-160 та куртак	48,2	28,3	3,2	79,7	1,25
160-180 та куртак	41,3	21,5	0,8	63,6	1,57
180-200 та куртак	41,1	21,2	1	63,3	1,58
200-220 та куртак	40,6	20,3	0	60,9	1,64
Мускат венгерский нави					
100-120 та куртак (назорат)	42,4	22,5	0	64,9	1,54
120-140 та куртак	40,5	24,3	2,1	66,9	1,49
140-160 та куртак	46,7	27,4	4,3	78,4	1,28
160-180 та куртак	43,4	21,5	0,6	65,5	1,53
180-200 та куртак	42,1	21	0	63,1	1,58
200-220 та куртак	42,1	19,4	0	61,5	1,63
Майский чёрний нави					
100-120 та куртак (назорат)	40,1	22,1	0	62,2	1,61
120-140 та куртак	42,3	22,3	0,3	64,9	1,54
140-160 та куртак	46,5	26,4	4,1	77,0	1,30
160-180 та куртак	42,5	23,5	1,2	67,2	1,49
180-200 та куртак	41,3	21,5	0,8	63,6	1,57
200-220 та куртак	41,0	19,4	0	60,4	1,66

Энг кам ҳосилли новдалар 200-220 та куртак қолдирилганда битта ҳосилли новда 40,6%, иккита ҳосилли новда 20,3% ва жами ҳосилли новда 60,9% ни кўрсатди. Ушбу вариантда учта ҳосилли новда учрамади.

Назорат вариантда ҳам битта ҳосилли новда 42,0%, иккита ҳосилли новда 21,3% ва жами ҳосилли новда 63,3% ни ташкил қилди, ушбу вариантда ҳам учта ҳосилли новда қайд этилмади. Энг юқори натижани ташкил қилган

3 вариантда назорат вариантга нисбатан жами ҳосилли новдалар 16,4% га юқори бўлди.

Мускат венгерский навида ҳам учинчи вариантда яъни, 140-160 та куртак қолдирилганда энг юқори натижа қайд этилди. Бунда битта ҳосилли новда 46,7%, иккита ҳосилли новда 27,4%, учта ҳосилли новда 4,3% ни ва жами ҳосилли новдалар 78,4% ни ташкил қилиб, назорат вариантга нисбатан 13,5% га юқори бўлди.

Майский чёрний навида ҳам учинчи вариантда 140-160 та куртак қолдирилганда юқори натижага эришилди. Ушбу вариант бўйича Майский чёрний навида битта ҳосилли новда 46,5%, иккита ҳосилли новда 26,4%, учта ҳосилли новда 4,1% ва жами ҳосилли новда 77,0%, Майский чёрний навида 14,8% га юқори бўлгани



кузатилди.

Хулоса. Демак тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики барча навларда бир хил куртак юкламалари берилган бўлса ҳам жами ҳосилли новдалар сони бўйича вариантларда ҳам навларда ҳам бир-биридан фарқ қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Темуров Ш. Узумчилик. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. Тошкент - 2002.
2. Доспехов Б.Д. Методика полевых опыта. - М.: Колос, 1986.
3. П.Э.Эгамбердиев., Маликов А.Н. The influence of bud loads on mechanical and chemical content of bunches of kattakurgan grapes variety// EPRA International Journal of Research and Development(IJDR) Volume: 5| Issue: 1| January 2020. P.17-19.
4. Маликов А.Н., Ж.Н. Файзиев. Узум навларининг кимёвий таркибига ўғитлаш миқдорининг таъсири// Агро-илм. №5 2019 й. 42 бет.



ПАРАМЕТРИЧЕСКАЯ ИДЕНТИФИКАЦИЯ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ КУЛЬТИВИРОВАНИЯ ХЛОРЕЛЛЫ

Раҳмонов Шеркул Раҳмонович

к.т.н. доцент ТИИИМСХ

+998946109284

rsherkul@inbox.ru

Абдуганиев Азиз Абдувохид угли,

ассистент. ТИИИМСХ

+998974236700

azizabduganiyev69@gmail.com

Аннотация: В данной статье рассмотрена параметрическая культивирования хлореллы идентификация математической модели.

На основе полученных кинематических уравнений и управления гидродинамической структурой потоков в реакторе составляем обобщенную математическую модель процесса культивирования хлореллы. Полученная аналитическими приемами модель рассматриваемого процесса представляет собой систему уравнений, описывающую различные стороны объекта исследования с учетом кинетических параметров и реальных гидродинамических режимов. Эти конкретные значения коэффициентов могут быть использованы при решении различных инженерных задач. Определение кинетических констант и параметров модели, наилучшим образом отражающих экспериментальные данные - весьма трудоемкая и сложная задача. Обычно это достигается методами параметрической идентификации.

Задача параметрической идентификации состоит в экспериментальном определении характеристик объекта. Оценивание параметров объекта производится в рамках математической модели определенного класса.

В результате обработки экспериментальных данных методом моментов получены значения μ и K_d .

Решив задачу параметрической идентификации предложенной модели, можно приступить собственно к исследованию на ЭВМ результатов моделирования процесса культивирования хлореллы.

Ключевые слова: Биокаталитический процесс, параметрическая идентификация, матрица, поленом Ньютона, интерполяция, метод Пуассона.

Полученная аналитическими приемами модель рассматриваемого процесса представляет собой систему уравнений, описывающую различные стороны объекта исследования с учетом кинетических параметров и реальных гидродинамических режимов. Эти конкретные значения коэффициентов могут быть использованы при решении различных инженерных задач. Определение кинетических констант и параметров модели, наилучшим образом отражающих экспериментальные данные - весьма трудоемкая и сложная задача. Обычно это достигается методами параметрической идентификации [1].

Задача параметрической идентификации состоит в экспериментальном определении характеристик объекта. Оценивание параметров объекта производится в рамках математической модели определенного класса. При этом различия между данными, полученными на реальном объекте и на соответствующей математической модели, должно быть по возможности минимальным. Подробное обсуждение методов параметрической идентификации, в том числе на ввод и анализ условий сходимости, можно найти в работе [2] а также в [3].



В любом случае любой метод параметрической идентификации должен давать оценки параметров, которые являются несмещенными,

$$E\{Q(N)\} = Q_0(1)$$

при конечном N_3 и состоятельные в среднем смысле, т.е.

$$\lim_{N_3 \rightarrow \infty} E\{\hat{Q}(N_3)\} = \Theta_0(2)$$

$$\lim_{N_3 \rightarrow \infty} E\{\hat{Q}/[\hat{Q}(N_3) - \hat{Q}_0]\} = 0 \quad (3)$$

Эти методы приемлемы, когда объект описывается устойчивыми разностными уравнениями, а также при выполнении следующих условий.

- порядок объекта и величина запаздывания должны быть известными;
- изменения входного сигнала $X(t) = X(t) - X_0$ производится без ошибок и известно установившееся значение входа X_0 ;
- входной сигнал не превышает заданный порядок реакции.

При этом матрица

$$H = \{h_{ij} = y^n(i - j)\}, \quad i, j = 1, 2, \dots, m \quad (4)$$

положительно определена $\det H > 0.2$ и, кроме того, существуют пределы

$$X_0 = \lim_{N_3 \rightarrow \infty} \sum_{t=0}^{n-1} x(t); U, \quad (5)$$

$$\varphi(\tau) = \lim_{N_3 \rightarrow \infty} \sum_{\tau=0}^{N_3-1} x(t) * (x(t) + \tau); \quad (6)$$

где τ - время сдвига.

На выходной сигнал $y(t) = y(t) - y_0$, как правило, могут действовать возмущения. Установившееся значение y_0 , считается известным и равно величине x_0 , умноженной на статический коэффициент вида

$$y_0 = y^* x_0 + E(t) \quad (7)$$

Ошибка уравнения $E(t)$ не корректирована с элементами данных $y(t)$. Это означает, что эти значения статически не известны.

Воспользуемся этими обстоятельствами и условиями идентификации и попытаемся определить необходимые значения коэффициентов, входящих в уравнение обобщенную математическую модель культивирования хлореллы.

Предполагая, что решение уравнения существует и что измерения на объекте исследования всегда осуществимы (с не-какой-то ошибкой), можно считать, что величины $y(t)$ и $x(t)$ зависят от точности измерения, величины входного шума и



правильного выбора наблюдаемого вектора состояния.

Чтобы избежать ситуации, когда малые ошибки экспериментальных данных могут повлечь большие ошибки в определении констант, требуется оценка корректности постановки задачи идентификации. Кроме того, важен вопрос о достаточности экспериментальных данных, возникающий при исследовании конкурирующих моделей. Эти существенные аспекты рассмотрены в работах [4].

В процессе культивирования микроорганизмов на детерминированные кинетические зависимости накладывается множество возмущений, носящих характер, чем и объясняется возникающая необходимость периодической или постоянной подстройки коэффициентов модели. Идея корректировки параметров модели, процесса культивирования микроводорослей рассмотрена в работе [5], а в наиболее общем виде постановка этой задачи осуществлена в работе [6].

Задача оценивания констант связана с надежным выбором метода, обеспечивающего требуемую точность и быструю сходимость поиска. В настоящее время разработано достаточно большое количество методов оценки кинетических констант [7]. Среди них наибольшее распространение получили метод наименьших квадратов, метод максимального правдоподобия и метод оценок на основе теоремы Байеса.

Однако следует заметить, что при оценке кинетических констант, биохимических и микробиологических реакций до сих пор еще нередко используется графический метод, уступавший по точности аналитическим и трудно поддающийся формализации на ЭВМ [8].

Входящие в исходные уравнения коэффициенты можно, определить графо-аналитическим методом. Воспользуемся следующими соотношениями:

$$\frac{S(0) - S(t)}{\int_0^t x(t) dt} = \alpha \frac{x(t) - x(0)}{\int_0^t x(t) dt}, (8) \quad \frac{P(t) - P(0)}{\int_0^t x(t) dt} = \beta \frac{x(t) - x(0)}{\int_0^t x(t) dt} + \gamma, (9)$$

в приведенных соотношениях (8) и (9) величин $S(0)$, $S(t)$, $x(0)$, $x(t)$, $P(0)$, $P(t)$ представляют собой мгновенные значения концентрации субстрата S , микроорганизмов x , продуктов мета-болизма P в момент времени 0 и t , значение численно равно площади, ограниченной сверху кривой роста клеток на временном интервале от 0 до t .

На основании соотношений (8) и (9) методом графического интерпретирования необходимо провести эксперименты и на этой основе построить графики и далее вычислить значения α и β . В работе [11] приведены результаты именно такого определения значений этих коэффициентов.

